O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 21 » апрель № ПҚ–150

Маданият ва санъат соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Маданият ва санъат соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, лойиҳавий ва натижага қаратилган молиялаштириш тизимини жорий этиш, соҳада хусусий секторнинг иштирокини ошириш ҳамда давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) маданият ва санъат соҳасида **бошқарув самарадорлигини ошириш, ташкилий тузилмаларни мақбуллаштириш**;

(б) соҳада **натижага йўналтирилган молиялаштириш** тизимини жорий этиш, **давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш** ва **хусусий секторни жалб этиш** орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

(в) медиамаконда миллий контентларни кўпайтириш ҳамда **сунъий интеллект платформаларида** ўзбек миллий маданияти тўғрисида маълумотлар базасини яратиш.

II. Маданият марказларини трансформация қилиш ва ижодий жамоалар фаолиятини ривожлантириш

2. Белгилансинки, Маданият вазирлиги тизимидаги маданият марказлари қуйидаги **шаклларда трансформация қилинади**:

(а) Маданият вазирлиги тизимидаги маданият марказлари фаолияти **номоддий маданий меросни тарғиб қилиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, шунингдек, технология, муҳандислик, ҳунармандчилик ва бошқа янги йўналишларда йўлга қўйилади;**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
Sana: 2026 -yil 22 -aprel
Raqam: 1-1268

(б) туман (шаҳар) ҳокимликлари тизимига ўтказилади;

(в) хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш мақсадида **давлат-хусусий шериклик асосида** фаолияти йўлга қўйилади;

(г) ресурслардан оқилона фойдаланиш учун самарасиз маданият марказлари **фаолияти мақбуллаштирилади**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) маданият марказлари тугатилиши натижасида мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан **2026 йил 1 июлдан**:

(i) Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилояти бўлимидаги **Андижон ёшлар симфоник оркестри учун 50 та** штат бирлиги ажратилади;

(ii) Маданият вазирлиги тизимида **50 та** штат бирлигидан иборат **“Тумор” давлат рақс ансамбли” давлат муассасаси ташкил этилади.** Бунда ансамбль ходимларига Ўзбекистон давлат филармонияси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби татбиқ этилади ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг энг кам миқдорига нисбатан ҳисобланадиган базавий лавозим маошлари 1,7 коэффициентга оширилган ҳолда қўлланади;

(iii) маданият марказларида янги лавозимлар, шу жумладан, директор лавозими жорий қилинади;

(б) маданият вазирига ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмалари ва штатлар жадвалига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади;

(в) давлат маданият муассасаларининг мол-мулкини сотишдан тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади ҳамда маданият марказларининг фаолиятини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун сарфланади.

III. Бошқарув тизимини такомиллаштириш ва натижага қаратилган молиялаштиришни жорий этиш

4. **Туман (шаҳар) маданият бўлимлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 июлдан** бошлаб:

(а) туман (шаҳар) маданият бўлимлари (кейинги ўринларда – маданият бўлимлари) раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, шунингдек, рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири билан келишган ҳолда амалга оширилади;

(б) ҳар бир маданият бўлими раҳбари учун йиллик энг муҳим **самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) мажбурий тарзда белгилаш** ҳамда натижаси асосида **рағбатлантириш ёки лавозимига лойиқлигини қайта кўриб чиқиш** тизими яратилади;

(в) маданият бўлимлари Маданият вазирлиги томонидан юритиладиган **рейтинг** натижалари асосида рағбатлантирилади. Бунда:

(i) рейтинг 2027 йилдан бошлаб ҳар йилнинг якуни бўйича юритилади ҳамда унда маданий тадбирларга аҳоли қамрови ва миллий қадриятларни асраш билан боғлиқ кўрсаткичларга устуворлик берилади;

(ii) рейтингда энг юқори ўринни эгаллаган **маданият** бўлимлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **рағбатлантириб борилади**;

(iii) рағбатлантириш учун ажратиладиган маблағларни маданият бўлими ва туман (шаҳар)даги бошқа маданият ташкилотларига қуйидаги мақсадлар учун йўналтиришга рухсат берилади:

80 фоизи – моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, зарур жиҳозларни харид қилиш;

20 фоизи – раҳбар ва ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда ходимларни малака ошириш ва тажриба алмашиш учун маҳаллий ва хорижий сафарларга юбориш.

5. **2027 йил 1 январдан** бошлаб Маданият вазирлиги тизим ташкилотларининг маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган барча харажатларини **республика бюджетидан молиялаштириш тизими йўлга қўйилсин**. Бунда:

   (а) Маданият вазирлигининг республика бюджетидан молиялаштирилаётган тизим ташкилотлари ва ҳудудий маданият органлари тўғридан-тўғри Маданият вазирлиги томонидан молиялаштирилади;

   (б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) даражасида молиялаштирилаётган Маданият вазирлигининг тизим ташкилотларининг барча харажатлари ҳудудий маданият органлари орқали молиялаштирилади.

IV. Маданият таълими муассасаларини ривожлантириш

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги Республика мусиқа ва санъат техникуми, Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк техникуми ҳамда Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари фаолияти 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштирилсин:

   (а) Республика мусиқа ва санъат техникуми ҳамда Республика эстрада ва цирк техникумида:

      (i) 2 йиллик бошланғич касбий таълим, 6 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда **ўрта касбий таълим** ҳамда камида **2 йиллик ўрта махсус касбий таълим** дастурлари асосида ўқитиш тизими жорий этилади;

      (ii) бакалавриат таълим дастурлари билан интеграциялаштирилган **“2+2” дастурлари асосида ўқитишга рухсат берилади**;

      (iii) Маданият вазирлиги билан ўқув режа ва дастурлари келишилади ҳамда вазирлик кадрлар буюртмачиси ҳисобланади;

   (б) Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактабларида:

      (i) ўқувчилар **мусиқа йўналишида 5-синфдан** ҳамда **рақс, театр, халқ ижодиёти, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида 9-синфдан** бошлаб қабул қилинади;

(ii) мактаб-интернатлар учун белгиланган амалдаги нормалар татбиқ этилади, жумладан, мактаб ўқувчиларининг **таълим олиш** ва **яшаш харажатлари тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан**, уларни овқатлантириш харажатлари Давлат бюджети ҳамда ота-оналар тўлови маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

(iii) Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг битирувчиларига **болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи** берилади.

V. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш

7. **2030 йил 1 январга қадар** тажриба тариқасида Маданият вазирлиги тасарруфидаги **маданият объектларида** давлат ташаббускорлари томонидан умумий қиймати **бир миллион АҚШ долларидан** ортиқ бўлмаган лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка беришнинг **1-иловага мувофиқ соддалаштирилган тартиби жорий этилади.**

8. **2028 йил 1 августга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биттадан **болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини юритишнинг** қуйидаги **давлат-хусусий шериклик** шакли жорий этилади:

(а) болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун назарда тутилган Давлат бюджетидан маблағлар хусусий шерикка **субсидия кўринишида ажратиб** борилади;

(б) хусусий шерик учун таълим сифати, ўқув жараёни, ўқувчилар сони ва давомати, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ютуқлари бўйича энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) белгиланади ва **кўрсаткичларга қараб қўшимча рағбатлантирилади**;

(в) давлат шериги томонидан энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ижроси мониторинг қилиб борилади, талаблар **бажарилмаса**, шартнома **қайта кўриб чиқилади** ёки **бекор қилинади.**

9. **2026 йил 1 июлдан бошлаб** тажриба тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биттадан **“Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳаси** (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳаси) **амалга оширилсин**.

10. Белгилансинки, инвестиция лойиҳаси доирасида:

(а) **2-иловага мувофиқ** лойиҳаларни амалга ошириш тадбирлари **белгиланади**;

(б) инвесторларни танлаб олишнинг асосий мезонлари лойиҳани амалга ошириш муддати, шунингдек, таклиф этиладиган капитал қўйилмалар ва инвестициялар миқдори ҳисобланади;

(в) инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун **субсидия ажратиш** ҳамда ташкилотларни **франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш** учун **Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби** татбиқ этилади.

11. 2026 йил 1 августдан бошлаб соҳада нодавлат ва хусусий сектор иштирокини кучайтириш бўйича қуйидаги йўналишларда **грантлар ажратиш тизими** жорий этилсин:

(а) театр, цирк, мусиқа, рақс, номоддий маданий мерос, кино ва анимация ҳамда маданият таълими соҳасидаги лойиҳалар;

(б) адабий асарлар яратиш, маданият соҳасида инклюзивлик ва ижтимоий йўналишлар;

(в) стартап ва ижодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

(г) инновациялар, сунъий интеллект ва рақамлаштириш.

Бунда Маданият вазирлиги **2026 йил 1 августга** қадар эълон қилинадиган лойиҳалар учун “ERP madaniyat” ягона бошқарув тизими доирасида қўшимча **“madaniyatgrant.uz” платформасини** яратсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Маданият вазирлигига ушбу ишларни амалга ошириш учун **2026 йил июлдан бошлаб** нодавлат театр ва театр-студияларига давлат буюртмаси учун ажратилаётган маблағларга қўшимча Давлат бюджетидан **20 миллиард сўм** ажратсин.

12. Белгилансинки, соҳадаги **хусусий сектор улушини кенгайтириш** ҳамда **нодавлат маданият ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш** мақсадида **2026 йил 1 июлдан бошлаб**:

(а) нодавлат маданият ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан бозор фоиз ставкаларида миллий валютада ажратиладиган, қиймати **20 миллиард сўмгача** бўлган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин унинг **1,5 бараваридан** кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан компенсация тақдим этилади;

(б) нодавлат маданият ташкилотлари учун биноларни янгидан қурган ёки ўзининг бино ва иншоотларида маданият ва санъат фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига **5 йил муддатга** мазкур фаолият билан боғлиқ бўлган коммунал харажатларининг **50 фоизи** Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

(в) янги нодавлат маданият ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир ҳудуддан мақбул ер участкалари “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн аукцион савдоларига мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида чиқарилади.

13. **2026 йил 1 майдан** бошлаб Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Маданият вазирлиги ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига **ижодий маҳсулотлар яратиш, соҳада сунъий интеллектни ривожлантириш, мусиқа чолғулари, овоз ёзиш ва кучайтиргич ускуналар, ёритиш мосламалари ҳамда саҳна либосларини харид қилиш** билан боғлиқ товарлар (ишлар, хизматлар) харидини давлат харидларининг “таклиф сўрови” тартиб-таомили асосида амалга оширишга рухсат берилади.

Бунда харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан тасдиқланади.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қуйидаги мақсадлар учун 2026–2030 йилларда **1 триллион сўм** миқдордаги маблағ ажратилишини таъминласин:

(а) бир ҳафта муддатда:

(i) янги йўналишларда ташкил қилинадиган маданият марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун **120 миллиард сўм;**

(ii) Маданият вазирлиги фаолиятига кўмаклашиш ва янги лойиҳаларни ташкил этиш учун **50 миллиард сўм** миқдоридаги

маблағни республика бюджетининг 2026 йил биринчи чорак якунлари бўйича даромадлар прогнозининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратсин, шунингдек, Маданият вазирлигининг ҳисоб-китобига асосан зарур маблағларни 2027 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

(б) Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун 2026–2030 йилларда **жами 830 миллиард сўм**, шундан 2026 йилда **100 миллиард сўм,** 2027 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети ҳисобидан босқичма-босқич ажратиб борсин.

15. Қуйидагилар:

(а) Маданият ва санъат соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш бўйича **“йўл харитаси”** 3-иловага мувофиқ;

(б) 2027–2029 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва қўшимча бинолар қуриш режалаштирилган ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Маданият вазирлиги:

(а) **икки ҳафта муддатда** маданият марказлари фаолиятини трансформация қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ва мақбуллаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

(б) **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

(в) болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини юритишни ва бошқарувини хусусий шерикка бериш ва маданият меҳмонхонасини ташкил қилишни босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида амалга ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

SNF2418

18. Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

SNF2418

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 апрелдаги ПҚ–150-сон қарорига
1-илова

Маданият объектларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикларга беришнинг соддалаштирилган тартиби

SNF2418

Маданият объектларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикларга беришнинг қуйидаги соддалаштирилган тартиби жорий этилади:

1. Маданият объектлари бўйича **дастлабки молиявий ҳисоб-китоблар** тайёрланиши шарти билан лойиҳани баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқиш талаблари **бекор қилинади. Бунда:**

(а) хусусий шерик маданият объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишда давлат экспертизасидан ўтказиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини ваколатли органга **тўғридан-тўғри тақдим этади**;

(б) хусусий шерикка берилган бино ва иншоотлар эксплуатациясини амалга оширишда табиий газ, электр энергияси, совуқ сув ва иситиш тизимини етказиб берувчи корхоналар билан битим амал қилинадиган давр мобайнида тўғридан-тўғри шартнома тузишга **рухсат берилади**;

(в) хусусий шерик маданият объектларида ушбу фаолият турлари билан биргаликда давлат шеригининг асосий фаолият турига халақит бермаган ҳолда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга асосан **бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин**;

(г) давлат шериги ташаббуси билан бир босқичли тендер эълон қилинган муддатда талабгор бир нафарни ташкил қилса, таклиф билдирган талабгор билан **ўн кун муддатда** давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги **битим имзоланади**. Бунда талабгорлар икки ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ғолиб Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда аниқланади.

2. Маданият объектларида хусусий шерик томонидан **янги барпо этилган, реконструкция қилинган** бино ва иншоотларнинг тегишли қисмларига нисбатан туманлар ва шаҳарлар тоифасидан келиб чиқиб, қуйидаги бандга мувофиқ **мулк ҳуқуқи** расмийлаштирилади. Бунда:

(а) хусусий шерик томонидан янги барпо этилган, реконструкция қилинган маданият объектлари бўйича ҳар бир объектга алоҳида ёндашув асосида ишлаб чиқилган лойиҳа концепциясига мувофиқ туман (шаҳар)лар тоифасидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддати якунлангандан сўнг хусусий шерикка тегишли объектлар **қуйидаги қисмларда** мулк ҳуқуқи билан ўтказиб берилади:

(i) 1-тоифадаги туман ва шаҳарларда – **20 фоизи;**

(ii) 2-тоифадаги туман ва шаҳарларда – **30 фоизи;**

(iii) 3-тоифадаги туман ва шаҳарларда – **40 фоизи;**

(iv) 4 ва 5-тоифалардаги туманларда – **50 фоизи.**

Бунда ушбу кичик бандга мувофиқ тегишли ҳужжатлар Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Маданият вазирлигининг талабномаларига асосан расмийлаштирилади;

(б) давлат шериги томонидан дастлабки ва қайта эълонга жойлаштирилган ҳамда фаолият кўрсатмаётган маданият объектлари бўйича талабгорлардан таклифлар келиб тушмаган тақдирда, ушбу объектлар бир ой муддатда **электрон онлайн аукцион савдоларига** чиқарилади, фойдаланишда бўлган объектлар бундан мустасно.

Бунда давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг соддалаштирилган тартиби доирасида хусусий шерикни танлаш ва лойиҳани амалга ошириш ушбу тартибга **иловага мувофиқ схема** асосида амалга оширилади.

3. Маданият объектларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш шарти билан хусусий шерикка таклифни тақдим этишда:

(а) маданият объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар **хусусий шерик томонидан** амалга оширилади;

(б) маданият муассасалари ходимларининг (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар, шунингдек, хусусий шерик томонидан жалб қилинган ходимлар бундан мустасно) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар **Давлат бюджети ҳисобидан** қоплаб берилади.

4. Маданият объектлари фаолиятини хусусий шерикка бошқарувга беришда:

(а) маданият объектлари фаолиятини сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар **хусусий шерик ҳисобидан** амалга оширилади;

(б) маданият объектларида тўгаракларда иштирок этадиган **Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларига**, шунингдек, **камида 3 та** миллий тўгараклар иштирокчиларига тўловлар уларнинг сонидан келиб чиқиб, **Давлат бюджети ҳисобидан** қоплаб берилади.

Бунда ушбу банд қоидалари бошқа маданият объектларини хусусий шерикка бошқарувга беришга ҳам жорий қилинади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича молиявий мажбуриятлар ҳисобини доимий юритади ва расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

SNF2418

Маданият объектларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикларга беришнинг соддалаштирилган тартибига илова

Давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг соддалаштирилган тартиби доирасида хусусий шерикни танлаш ва лойиҳани амалга ошириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддати
1-босқич	Давлат шериги	Иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, дастлабки баҳолаш тартиби асосида лойиҳаларни танлайди.	Заруратга кўра
2-босқич	Давлат шериги	ДХШ лойиҳасининг концепцияси, дастлабки молиявий ҳисоб-китоблар, тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битимни алоҳида ёндашув асосида ишлаб чиқади.	Заруратга кўра
3-босқич	Давлат шериги	Тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини, заруратга кўра, ваколатли органга келишишга киритади.	5 кун
4-босқич	Ваколатли давлат органи (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги)	Тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини келишади ва давлат шеригига қайтаради.	5 кун
5-босқич	Давлат шериги	Давлат шериги томонидан тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини тасдиқлайди ва расмий веб-сайтларда тендер эълон қилади.	30 кундан кам бўлмаган муддатда
6-босқич	Тендер комиссияси	Тендер ўтказиш жараёнида талабгорларнинг техник ва тижорат (молиявий) таклифларини кўриб чиқади ҳамда баҳолайди.	10 кун

SNF2418

7-босқич	Давлат шериги ва тендер ғолиби ёки захирадаги ғолиб	Тендер натижалари бўйича аниқланган тендер ғолиби ёки захирадаги ғолиб билан ДХШ тўғрисидаги битимни имзолайди ва лойиҳани амалга оширишни бошлайди.	10 кун
8-босқич	Ваколатли давлат органи	ДХШ тўғрисидаги битим, ДХШ лойиҳаси концепциясини реестрга киритади ва рўйхатдан ўтказади.	3 кун

SNF2418

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 апрелдаги ПҚ–150-сон қарорига
2-илова

“Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари

1. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги **“Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳаси** (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳаси) **концепцияси** ҳамда **биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқади** ва **тасдиқлайди.**

2. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда **аукцион савдоларини** ташкил қилади.

   Бунда аукцион савдоларига Маданият вазирлиги тизимидаги объектлар (олий ва касбий таълим ташкилотлари, давлат театрларидан ташқари) чиқарилади.

3. **Инвестиция лойиҳасини** амалга ошириш доирасида қуйидагиларни ўз ичига олган “**меҳмонхона – ресторан – савдо дўкони – маданият муассасаси” ўзаро интеграциялашган тизим** орқали туристлар учун комплекс хизмат кўрсатадиган янги турдаги **миллий мажмуа** барпо этилади:

   (а) миллий услубда замонавий **меҳмонхона ва ресторан,** туристлар учун миллий маҳсулотларни ясаш бўйича маҳорат дарслари ташкил этиш ҳамда ушбу маҳсулотларни реализация қилишга мўлжалланган **савдо дўкони**;

   (б) халқ қўшиқлари, анъанавий рақс, театр, куйлар ижро этиладиган ҳамда кинофильмлар намойиш этишга мўлжалланган **томоша зали,** маҳорат дарслари, мусиқа чолғу ижрочилиги ва маданий учрашувлар учун мўлжалланган **маданият маркази**;

(в) кулолчилик, зардўзлик, кандакорлик каби ҳунармандчилик санъатини кўрсатадиган **миллий ҳунармандчилик устахонаси**, маҳаллий ва чет эллик рассомларнинг асарлари намойиш этиладиган **тасвирий санъат галереяси.**

4. Инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган объект қуйидагича тасарруф этилади:

(а) инвестор томонидан қуриладиган объектлар камида **йигирма беш йил** асосий фаолиятини сақлаб қолади ҳамда лойиҳа муддати тугагандан сўнг **меҳмонхона** ва **ресторан инвесторга мулк ҳуқуқи асосида берилади**;

(б) савдо дўкони, томоша зали, маданият маркази, тасвирий санъат галереяси, миллий ҳунармандчилик устахонаси (умумий объектнинг 40 фоизигача қисми) **Маданият вазирлиги тасарруфида қолдирилади**.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги Маданият вазирлиги билан биргаликда меҳмонхона ва ресторанни Инвесторга мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб бериш бўйича намунавий талабнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда талабнома асосида инвесторга меҳмонхона ва ресторан мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб берилади.

6. Инвестиция лойиҳаси биноларига зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини олиб келиш ушбу лойиҳани амалга ошириш учун тузилган шартномада белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти, газ таъминоти, ичимлик суви ва оқова сув ҳамда алоқа қисми бўйича тегишлилигига кўра “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Инвесторнинг ташаббуси билан келишув бекор қилинган тақдирда, унинг инвестиция лойиҳасини амалга оширишга сарфлаган харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва ушбу қарорга мувофиқ инвесторлар қайтадан қидириб топилади ва танлаб олинади.

8. Тижорат банкларига инвесторларга инвестиция лойиҳаси объекти доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида қўшимча объектлар қуриш учун **10 йил муддатга**, шу жумладан, **5 йиллик имтиёзли давр билан** тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда кредитлар бериш тавсия этилади.

9. Инвестиция лойиҳаси доирасида фойдаланишга топшириладиган объектларда фаолият олиб борувчи ходимлар Маданият вазирлиги ҳамда Туризм қўмитаси томонидан ўқитилади ва малакаси оширилади.

SNF2418

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 апрелдаги ПҚ–150-сон қарорига
3-илова

Маданият ва санъат соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Маданият вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотларини бир вақтда республика бюджетидан марказлашган тартибда молиялаштириш тизимига ўтказиш учун “UzAsbo” дастурий мажмуасига тегишли ўзгартиришлар киритиш.	“UzAsbo” дастурий мажмуасига тегишли ўзгартиришларни киритиш бўйича зарур чоралар кўриш.	2027 йил январь	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2.	“Тумор” давлат рақс ансамбли фаолиятини йўлга қўйиш, мусиқа чолғулари, овоз кучайтириш мосламалари, ёритиш ускуналари, саҳна либослари ва бошқа зарур анжомларни Давлат бюджетидан харид қилиш ҳамда Тошкент шаҳридан ансамбль учун мақбул бино ажратиш.	1. Ансамбль фаолиятини ташкил этиш учун Тошкент шаҳридан мақбул жой ажратиш. 2. Ансамбль учун зарур воситалар рўйхатини шакллантириш ҳамда харид қилиш. 3. Ансамбль фаолиятини самарали йўлга қўйиш.	2026 йил июль 2026 йил август–октябрь 2026 йил ноябрь	Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
3.	Давлат-хусусий шериклик асосида фаолиятини юритиш ва бошқарувга бериладиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш тартибини белгилаш.	Давлат-хусусий шериклик асосида фаолиятини юритиш ва бошқарувга бериладиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш тартибини	2026 йил июнь	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

		ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, болалар мусиқа ва санъат мактаблари рўйхати Маданият вазирлиги томонидан аниқланади.		
4.	“Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвесторларни аукцион савдолари асосида аниқлаш бўйича белгиланган тартибда зарур чоралар кўриш.	Лойиҳани амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда аукцион савдоларини ташкил қилиш.	2026 йил сентябрь	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
5.	“Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳаси концепциясини тасдиқлаш. Бунда лойиҳанинг инвестиция шартлари асосида амалга оширилиши тўғрисидаги намунавий келишув лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминлаш.	1. “Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳаси концепциясини ҳар бир ҳудуд бўйича ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа концепциясини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳанинг инвестиция шартлари асосида амалга оширилиши тўғрисидаги намунавий келишув лойиҳасини ишлаб чиқиш. 4. Лойиҳа концепциясини тасдиқлаш.	2026 йил сентябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги

SNF2418

6.	Концепция ва техник топшириқлар асосида “Маданият меҳмонхонаси” биноларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш.	1. Лойиҳа концепцияси ва техник топшириқлар асосида “Маданият меҳмонхонаси” биноларининг намунавий лойиҳаларини ҳар бир ҳудуд бўйича ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Намунавий лойиҳалар асосида лойиҳалар амалга оширилишини таъминлаш.	2026 йил сентябрь 2026–2028 йиллар	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги
7.	“Маданият меҳмонхонаси” маданий кластери инвестиция лойиҳасини амалга оширган инвесторга меҳмонхона ва ресторанни мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб бериш.	Меҳмонхона ва ресторанни инвесторга мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб бериш бўйича намунавий талабнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Икки ой муддатда	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги
8.	Меҳмонхоналарда миллийликни тарғиб этишни оммалаштириш.	1. Оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Меҳмонхоналарда миллийликдан фойдаланиш бўйича амалий қўлланмалар тайёрлаш ва уларни жорий этиш бўйича тавсиялар бериш.	2026 йил сентябрь	Туризм қўмитаси, Маданият вазирлиги
9.	ДХШ ва инвестиция лойиҳалари доирасида биноларга зарур ташқи муҳандислик- коммуникация тармоқларини олиб келиш, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун тузилган шартномада белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти,	1. Инвестиция объекти бўйича муҳандислик-коммуникация тармоқларига эҳтиёжни аниқлаш ва тегишли ташкилотлардан техник шартларни олиш. 2. “Ўзбекэнерго”, “Ўзтрансгаз”, “Ўзсувтаъминот” ва “Ўзбектелеком”	2026 йилдан бошлаб режа асосида	“Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Маданият вазирлиги

	газ таъминоти, ичимлик суви ва оқова сув ҳамда алоқа қисми бўйича тегишлилигига кўра “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан белгиланган тартибда амалга ошириш.	билан келишилган ҳолда ташқи тармоқларни тортиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ишлари бўйича қўшма иш графигини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш.		
10.	Тижорат банклари томонидан инвесторларга инвестиция лойиҳаси объекти доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида қўшимча объектлар қуриш учун 10 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли давр билан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда кредитлар бериш.	1. Инвесторлар томонидан тақдим этилган инвестиция лойиҳалари асосида қўшимча объектлар қуришни молиялаштириш учун кредитлар бериш. 2. Кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш.	2026 йилдан бошлаб сўровга кўра	Марказий банк
11.	Маданият ва санъат соҳасида грант ажратиш тартибини тасдиқлаш. Бунда танлов эълонлари, аризаларни қабул қилиш ва баҳолаш жараёнларини назарда тутувчи "madaniyatgrant.uz" ягона электрон платформасини ишга туширишни назарда тутиш.	1. Маданият ва санъат соҳасида грант ажратиш тартибини тасдиқлашга қаратилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш.	2026 йил сентябрь 2026 йил октябрь	Маданият вазирлиги
12.	Нодавлат маданият ташкилотларини давлат томонидан	1. Нодавлат маданият ташкилотларини давлат томонидан	2026 йил сентябрь	Маданият вазирлиги,

	қўшимча қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш.	қўшимча қўллаб-қувватлаш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳани белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2026 йил октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
